

Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2021 йил 6 апрель
сешанба
№ 14 (1270)

- www.hudud24.uz
- insonvaqonun@adliya.uz
- fb.com/hudud24official/
- t.me/hudud24official/

hudud24
Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнги хабарлар
- Ҳуқуқий маълумотлар
- Тахлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар



АДЛИЯ
САЙЛЛАРИ
4-5 БЕТ

БОЛАЛАР ЭРТАСИ: КУНИМ ЎТСА БЎЛДИ,
ДЕГАН ТАРБИЯЧИНИНГ КЕРАГИ ЙЎҚ...
6-БЕТ

ЙОХАННЕСБУРГ ПРИНЦИПЛАРИ
БУ ҲАҚДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?
7-БЕТ

**TASHKENT
LAW SPRING**

“Tashkent Law Spring”
II Xalqaro yuridik forumi

ДУНЁНИ ушлаб турадиган устунлардан бири бу — ахлоқ. Шарқда ҳам, гарбда ҳам, жаҳоннинг барча бурчида буюк тафаккур тамаддуни даҳолари шундай фикрда бўлишган. Ҳозир ҳам шундай. Ҳаётнинг табиий ровишига терс бориш даҳшатли таназзулга олиб келади. Табиатдаги ҳар бир гиёҳдан тортиб қум заррасигача, дарё ва ўрмонлар, қуруқлик ва саҳролар, уммонлардан то юксак тоғларгача илоҳий ва қудратли ришта билан боғланиб, тириклик мувозанатини ҳосил қилади. Албатта, бу нарсаларнинг бари эса инсон фарзандларининг бу рўйи заминда одамдай қун кўришига хизмат қилади.

АХЛОҚ УСТУНИ ҚУЛАСА,

ДУНЁ ОМОН ҚОЛМАЙДИ

“ЎГАЙ” БОҒЧА ОТАЛИҚҚА ОЛИНДИ

“Инсон ва қонун” газетасининг 2021 йил 23 февралдаги 7-сонида Нарпай туманининг “Болғали” қишлоғида жойлашган 33-мактабгача таълим ташкилотининг аянчли ахволи хусусида танкидий мақола чоп этилганди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Самарқанд вилоят мактабгача таълим бошқармаси ҳамда Нарпай туман ҳокимлиги масъулларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, мақолада кайд этилган ҳолатлар атрофича ўрганиб чиқилди. Натижادا ўтган асрнинг етмишинчи йилларида қурилган 33-мактабгача таълим ташкилоти бинолари бутунгун кун талабига жавоб бермай қолгани, боғча атрофи девор билан ўралмаганлиги ҳамда тоза ичимлик суви йўқлиги масаласи давлат дастурига киритилмаётгани ўз тасдиғини топди. Энг қувончлиси, мазкур боғча қурилиши 2022 йил давлат дастурига киритилди. Шу билан бирга, туман ҳудудидан ўтувчи “Дамхўжа” насос станциясидан боғчага тоза ичимлик суви келтириладиган бўлди.

Собир ПАРДАЕВ,
Нарпай туман мактабгача таълим бўлимининг
масхус таъмирлаш эксплуатация хизмати бошлиғи



2-БЕТ

ДУНЁНИ ушлаб турадиган устунлардан бири бу — ахлоқ. Шарқда ҳам, гарбда ҳам, жаҳоннинг барча бурчиди буюк тафаккур тамаддуни даҳолари шундай фикрда бўлишган. Ҳозир ҳам шундай. Ҳаётнинг табиий ровишига терс борши даҳшатли таназзулга олиб келади. Табиатдаги ҳар бир гиёҳдан тортиб қум заррасигача, дарё ва ўрмонлар, қуруқлик ва саҳролар, уммонлардан то юксак тоғларгача илоҳий ва қудратли ришта билан боғланиб, тириклик мувозанатини ҳосил қилади. Албатта, бу нарсаларнинг бари эса инсон фарзандларининг бугунги заминда одамдай қун кўришига хизмат қилади.

АЖЛОҚ УСТУНИ ҚУЛАСА,

Ха, албатта, бизнинг бу заминда инсоний умргузаронлик қилишимиз учун табиатдаги ҳар бир нарсанинг ўз ўрни бор; уларни кунпаякун қилишимиз эса ўзимизни барбод қилишимиз учун сабаб бўлади. Ер юзиди содир бўлган урушлар туйфайли тириклик оқими ўз ўзини ўзгартириб юборгани, бу урушларда қанчалаб инсон ҳаёти йўқликка юз тутгани сир эмас. Аслида урушлар ҳам инсониятнинг мукамал ахлоқ қоидаларига терс қарашга мойиллиги кучайгани, ўткинчи, чиркин, гаддор гоъларнинг тантанаси ўлароқ одамзот кўз кўриб, қулоқ эшитмаган кўргуликларни ўз бошидан ўтказганига тарих гувоҳлик беради.

Бугун ер юзиди яна бир даҳшатли шўриш буй кўрсатмоқда. Одам болаларининг табиий ҳаёт тарзи, табиий униб-ўсиш, Яратганнинг измига терс боришга журъат этиши қаршимизда нақадар ҳалоқат бўронлари кўзгалишига сабаб бўлмоқда. Инсон ҳуқуқи, демократия, шахс эркинлиги, деган тушунчалар остида одамийлик тарзига мутлақо зид, изоҳига тил ожиз қарашлар илгари сурлаётгани, аниқроғи, бир жинслилар никоҳини ёқлаб ҳайвонсифат хуносаларнинг бош кўтариши, бу ифлос дийданининг шамоли дунё бўйлаб эса бошлагани инсон бўлиб туғилган ҳар қандай одамни ҳушёр тортириши керак. Қаердаки одамларнинг ботиниди ахлоқ меъёрларига дарз кетган бўлса, ўша ердаги мамлакатларнинг ҳам ахлоқ устунларига зил кетади. Зил кетган устунлар узоққа бормайди. Қўлаб тушади. Инсон фарзандининг тасаввури остин-устун қилиб ташлайдиган бу тахлит хатти-ҳаракатлар, биз яшаб турган дунёни жаҳолат, зимистонлик чоҳи ёқасига олиб бораётганини сезмаслик ҳайвонийлик билан баробар.

Аслида ерининг мувозанатига даҳл қиладиган, тирикликка ҳавф соладиган хатарларни ҳайвонлар ҳам олдиндан сезадилар. Ер силкиншидан олдин айрим жонзотлар таҳлика ичиди бутун борлиқни огоҳ этишга уринади. Тўфону бўронлар олдида ҳам дарранда-ю дуррандалар ўзини ҳар жойга ура бошлайд.

Парвардигор инсон қилиб яратган, лекин маҳлуқчалик қиймати йўқ одамсимонларнинг бугун эркак билан эркак, аёл билан аёлнинг бир оила бўлиб яшаши, ўз жинсини ўзгартиришга мойиллигини кўз-кўз қилиши, ҳатто бир жинслиларнинг фарзанд асраб, парваришлагга оддий ҳол, деб қараш лозимлигини илгари суриши бориб турган ёвузлик, жаҳолат, разолат, қабоҳатдан бошқа нарса эмас.

Инсонни шу пайтгача асраб келган барча инсоний тушунчалар дунёни ҳам асраб турибди. Аёлниқ муқаддаслиги, ҳаётнинг давомчиси эканлиги, эркакнинг оила боши, ҳимоячиси, жамиятнинг, давлатнинг қалқони эканлиги борасиди барча қадимий тушунчалар илдизига болта урушга чоғланган мияхато иблисларнинг гуноҳи бугун заминга оғирлик қилишини ҳис қилса, бу фалоқат ва наҳс тушининг оқибати яхшилик билан тугамаслигини англаб етамиз. Йўқ, одамзот ҳали ўз тақдир амьолини кунпаякун қилар даражага келмади. Дунёнинг ахлоқ устунларини бир гала бешармлар бузи ташлашига ҳам йўл қўйилмайди. Одамзот бу дунёга одам бўлиб келди, одамдай яшаб ўтиши лозим. Эзгу гоъларни тараннум этган улуг китоблардан таралган нур ҳам бунга йўл бермайди.

Бугун айрим Европа давлатларидаги "инсон ҳуқуқи ҳимоячилари", одам тилга олишга уяладиган касаллик домига қанинган хуносаларнинг қандай, қанақа вақларини рўқач қилиб томоқ йиртишмасин, манфуриятнинг амалга ошувига, бу шармсизликнинг дунё бўйлаб ўрмалашига изн берилмайди. Бу нарсани кўзи очик, фикри бутун давлатлар ҳам, уларнинг раҳбарлари ҳам англаб туришибди. Ва, ибисона жирканч-

ликка қарши боришаётгани ҳам ҳақиқат. Ҳамма ҳам уларнинг тешиқ ноғорасига уйнаётгани йўқ. Бироқ бу хавфнинг борлиги, унинг гимирлаб турганидан ҳам кўз юммаслик керак. Айрим мамлакатлар раҳбарлари бунга узил-кесил, кескин чоралар кўрмоқда. Мана шундай давлат раҳбарларидан бири Венгрия Бош вазири Виктор Орбанининг хатти-ҳаракатидан хурсанд бўлмоқ керак.

Венгрия парламенти томонидан бир хил жинслилар никоҳиди дағи жуфтликларга фарзанд асраб олишни таъқиқлайдиган қонун қабул қилинди. Қонун лойиҳаси Бош вазири Виктор Орбан бошқараётган мамлакат ҳукумати ташаббуси билан тақлиф этилган. Янги қоидаларга қўра, фақат турмуш қурганларгина болаларни ўз оилаларига қабул қилишлари мумкин.

2010 йилда Виктор Орбан ҳокимият тепасига келгач, Конституцияга муҳим ўзгартишлар киритилди. Қабул қилинган тузатишлардан бири никоҳга асосланган оила ота-она ва фарзандлар ўртасиди муносабатлардан иборат бўлиши, унда она — аёл, ота — эркак бўлиши шартлиқ белгилаб қўйилди. Мамлакат Адлия вазири Юдит Варганинг таъкидлашича, фақат аёл ва эркак ўртасиди тузилган никоҳ эгаларига фарзандликка олиш ҳуқуқига эга эканлигини асосий қрида тариқасиди қайд этилди.

Бундан буён бир жинсли жуфтликлар фарзанд асраб олишига йўл қўйилмайди, ҳатто улардан бири ёлғиз шахс сифатиди ариза берган тақдирда ҳам. Ёлғизлар ҳам энди бола асраб олиш жараёнини бошлаш учун ҳукуматдан махсус рўхсатнома олишларига тўғри келади.

Нима бўлган тақдирда ҳам

бугун инсоният ўз келажагини асраб қолиши, инсоний ҳаёт тарзиди инсондай яшаши керак бўлади. Бошқа йўл ҳам йўқ.

Яқиндагина мамлакатимизда меҳмон бўлган Венгрия Бош вазири Виктор Орбан томонидан фарзанд тақдирини, оила муқаддаслиги, инсоний қадр-қиммат устунлигини асраб қолиш борасиди олиб борилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаймиз. У бундан кейин ҳам қатъий қурашад; инсоний ақидаларга ёт бўлган гоъларни илгари суриб, жамиятни таназзул ўлқони сари бошлашга чоғланган уятсиз ва манкурт кимсаларга матонат билан қарши туришига ва бундай раҳбарлар сафи мустаҳкамлигига ҳам ишонамиз. Ўзбекистон у дунё бу дунё бунақанги иблисҳаётга рози бўлмайди. Европани, бутун дунёни разолат олови бемалол ёниши мумкин бўлган шармсизлик ўчоғига айлантиришга уринаётганларнинг, энг аввало, ўзлари шу ўчоқда ёниб кул бўлиши аниқ. Уларнинг касофати ўзларини уриб кетади.

Нақадар оғир бўлса ҳам айтайин; бугун менинг тоза юртимда, жаҳон тамаддунининг бузилмас пойдеворини қўйган, бани-башар йўлини илм-маърифатнинг ўчмас чироғи билан ҳануз ёритиб турган даҳоларга бешик бўлган Ватанимда ҳам баъзи наримодаларнинг тилга олиб бўлмайдиган гап, бир-жинсликми, бало баттарликми мойиллик билдириши, қўйиб берсанг, кекирдик йиртиб ҳуқуқ талаб қилиши чидаб бўлмас ҳолдир. Тўғри, ит ҳураверади, карвон ўтаверади, бу итаҳлатлар шундай ҳуриши эвазига ҳам кимларнингдир эътиборини тортишдан, ўзларига қаратишдан манфаатдорлиги ҳам аён. Бизда ақиллаган итга кўпам эътибор бераверишмайди, бироқ мен шу

юртнинг боласи сифатиди агар шундай, одамийликни йўқотган хуносаларга дуч келсам, бошимга қандай оқибат тушишидан қатъи назар ўзим ҳисоб-китоб қилиб қўя қоламан. Ахир, шу ипирисқини кўриб турганимнинг ўзи энг аянчли оқибат эмасми, бундан ортиқ оғир оқибат бўлиши мумкинми? Келажагимиз — фарзандларимиз, неварачевараларимизнинг топ-тоза ахлоқ дунёсига тажовуз қилиб турган ёвузнинг менинг рўпарамда туриб ҳақ-ҳуқуқ талаб қилиши қайси қўйишқонга сиғади?

Одамзот бошига турли туман кўргуликлар, табиий офат, бало-қазо, вабо, ўлат, пандемия тушганда, ўзини қаерга урушини билмай, Яратганга қўл чўзиб нажот излаб қолади. Черковми, маҷитми, ибодатхоналарми инсонларнинг оҳ-зорига тўлади. Наҳотки, сабоқ чиқармаймиз, пандемия ҳуружи дунёни бир силкиб олди-ку, мана ман, деган зўрлар, дунёни ўйнатаман, деган кимсалар ҳам бу офат олдида ҳануз тиз чўкмоқда-ку. Бундай шўришлар ниманинг эвазига содир бўлапти? Инсон боласининг ахлоқсизлик, худбинлик, ёвузлиги, наҳсу фаҳшга мойиллиги ортаётгани эвазига эмасми? Ҳа, биз ўзимизни ҳам, ўзимиз яшаб турган заминни ҳам аянчли аҳволга солиб қўяямиз. Ер ҳар кимни, ҳар қандай гуноҳимасми кўтаради, деб ўйласак хато қиламиз, бугун очунни ахлоқ, оддийгина инсоний ахлоқ асраб қолади. Кўзингизни очин! Ер шарни ҳаммамизнинг умумий уйимиз. Унда ахлоқ устунлари мустаҳкам туриши керак!


Қўчқор НОРҚОБИЛ

“МЕНДАН КЕТГУНЧА, ЭГАСИГА ЕТГУНЧА”

бу қачонгача давом этади?

ҚИШЛОҚ аҳлининг оғзида бир гап: “Қишлоғимизда икки қаватли мактаб қурилаяпти”. Ҳамма хурсанд. Қурилишга бош-қош бўлаётганларни эл алқабган. Орадан анча вақт ўтиб, янги мактаб фойдаланишга топширилди. Яна орадан ҳеч қанча вақт ўтмай мактаб кулаб тушди. Яхшиям ўқувчилар бўлмаган. Энди қишлоқ одамларининг оғзида шу гап: “Ноинсофлар, олганларинг буюрмасин, қурилишга бош-қош бўлганлар мактаб учун ажратилган пулларни ўзлаштириб юборган. Ҳаромдан ҳазар қилмайдиганлар томоғидан ортганига мактаб қурган...”

Ҳа, бу воқеа Самарқанд вилоятининг олис қишлоқларидан бири бўлган Накуртда содир бўлган эди. Уша воқеадан сўнг қишлоқ аҳли мактаб қурилишига масъул бўлганлардан норози бўлиб, роса қарғашганди. Аспида ҳам ҳар не десакки, улар ҳақ. Биз ушбу мақоламиз орқали юқоридаги каби “хўжа кўрсин”га қилинаётган ишларга тўхталамиз.



Бир йил бору икки-уч йил йўқ, бу нима?

Ушбу “топишмоқ”нинг жавоби кўприк. Тўғрисиам шуда. Айрим кўприклар баҳор ёмғирларидан ҳосил бўлган селга бардоши етмай ё чўкиб кетади ёки оқиб кетади. Шундан сўнг одамлар ҳокимга гоҳ хат йўллади, гоҳ қабулига қатнайди. Шу билан икки-уч йил ўтиб, янги кўприк барпо этилади. Масъулларнинг кўкрак кериб, мана сизларнинг бизга қилган муражаатингизга асосан сифатли ва ҳар хил табиий офатларга бардошли қилиб қурдик, деган кўпригини бир йилга бормай яна сел олиб кетади. (Бундай ҳол асосан чек-ка ҳудудларда бўлади).

Гоҳида ҳайрон қоласан киши, кўприкни масъуллар ўз ҳисобидан қурмайди-ку! Сарф-харажат давлатнинг ҳисобидан бўлса, нега мустаҳкам қилиб қурмайди? Ёки юқоридан шунча пулга кўприк қурасан, деган топширик бўлармикан?

Аммо шуниси аниқки, ўша кўприк қурган масъулларнинг ҳисоботида кўприк учун ажратилган пулни кўрсангиз ёқа ушлайсиз. Бехосдан бу пулга у тоғдан бу тоққа етадиган кўприк қурса бўлади-ку, деб юборасиз. Бизда шундай, мустаҳкам ва сифатли кўприк қуруш учун етарлича пул ажратилади, лекин ажратилган пулнинг учдан бирига кўприк қурилади. Қолгани ўзлаштирилади.

Қурилаётган кўприкнинг сифати билан ҳеч ким қизиқмайди. Қўпол қилиб айтганда, масъуллар бир-бирининг орқасини кавламайди. Натижада, давлат

жорий қилинмасин, бутун бошли йўлчиларимиздан ажралиб қоламиз-ку.

Ўтган йилнинг ёзида Чилонзор туманидаги Чилонзор кўчаси реконструкция қилиниши бошланди. Бизнинг ишхонамиз ҳам ўша кўчада жойлашганлиги боис йўлчиларнинг ишини кузатиб бордим. Аввалига асфальт қилишда ишлатиладиган бутун бошли техниканинг ҳаммаси ўша кўчага олиб борилди. Йўлчиларнинг бошлаган ишини кўриб бир ойга ҳам бормасдан тугатиб қўйса керак, деб ўйладим. Йўқ, бундай бўлмади. Иш кеч кузга қараб чўзилди.

2020 йилнинг 20 ноябрида Президентимиз “Ўзбекфильм” киностудиясига ташриф буюрадиган бўлди. Буни айтаётганимнинг сабаби “Ўзбекфильм” киностудияси айнан ўша реконструкция қилинаётган кўчада жойлашган эди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг йўл бир кунда асфальт қилинди. Яна қор-ёмғир аралаш ёғаётган бир вақтда. Шу билан икки-уч кундан сўнг йўлсозлар техникалар карвони билан бирга кўчадан чиқиб кетди. Ҳафта-ўн кун ўтмасдан янги асфальт қилинган кўчани ўйиб кимдир қувур, яна кимдир нимадир ўтказди. Хуллас, асфальт бир ойга ҳам етиб бормасди. Қаеридир чўккан, ҳар хил чуқурлар (яма) пайдо бўлган. Бажарилган иш учун ажратилган пулга эса битта кўчани эмас, бир неча кўчани асфальт қилиб чиқса бўлади.

Шоирнинг “Ҳар баҳорда шу бўлар такрор...”, деганидек баҳор келди дегунча йўлларимизда чуқурлар (яма) кўпайдигандан кўпаяди. Бундан қанча

дан-қанча ҳайдовчилар жабр кўради. Йўлга масъулларимиз эса гоҳида пинагини ҳам бузмайди. Ёгингарчиликлар тугаган чуқурларни ямаб, текислаб бир йилга зўрга етиб борадиган қилиб қўйишади. Хуллас, йўл йўналишида оғриқли ва ечимини кутиб ётган муаммолар бисёр. Масъуллар эса ўзи қолиб, йўлни ўйлайдиганлар хилданмас, шекилли.

мумкин эди?

Яна бир гап шу йилнинг бошида Жиззахда қурилаётган кўп қаватли уй битмасидан кулаб тушди. Агар ўша уй битиб, одамлар кўчиб киргач қулаганда нима бўларди? Тасаввур қилишнинг ўзи фожиа.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, сўнгги вақтларда биноларни қуришда шошқоқликка йўл қўйилапти. Масалан, бир



Ночор уйлар номига қурилмоқдами?

Ота-боболаримизнинг “Ўз уйинг — ўлан тўшагинг” нақли бугун ҳам бот-бот эсланади. Чунки халқимиз ўз бошпанаси бўлишини энг катта мақсадларидан бири, деб билади. Уйли бўлиш учун меҳнат қилади, бор топганини йиғиб теради. Етмаганига қарз-ҳавола қилади.

Бундан бир неча йиллар олдин республикамиз бўйлаб қишлоқ қурилиш уйлари барпо этила бошланди. Бу кўпчиликнинг орзусидаги иш бўлди, қанча-қанча юртдошларимиз уйли-жойли бўлди. Аммо янги уйларга кўчиб ўтганларнинг кейинчалик дили хира торгани ҳам бор гап. Чунки янги уйларнинг бўёқлари кўчиб туша бошлади, айримларининг деворлари ҳам тўғри чиқмаганлиги билиниб қолди.

Кўпчилик билади, яширишнинг ҳам ҳожати йўқ. Қишлоқ қурилиш уйларини қуришда айрим ҳудудларда ўқитувчи ва ўқувчилар ишчи кучи сифатида жалб қилинди. Қурилишдан хабари бўлмаган ўқитувчи ва ўқувчилар қурган уйдан яна нимани кутиш

ойга бормасдан бинони битказиб қўйишади. Ваҳоланки, ҳар қандай бинонинг пойдевори қилинган у бир йил туриши керак. Бундан ташқари, қурилиш материалларининг сифатига эътибор қаратилмаяпти.

Ҳозир уй олиш ёки уй қуришни ҳаммининг ҳам чўнтаги кўтаравермайди. Шундай экан қурилишга масъул бўлган ташкилотлардан тортиб қурувчи қуришни ҳамма-ҳамма бирдек истайди. Токи сиз қурган уйларда яшаётган одамлар сизни алқасин!

Сўнгги гап

Фикримиз сўнггида шунга айтишни хоҳлардикки, бажараётган ишларимиз “хўжа кўрсин”га ёки ҳисобот учун бўлмасин. Бажарган ишимиздан, аввало, ўзимизнинг кўнглимиз тўлсин. Шунда халқ ҳам биздан рози бўлади. Бу эса юртга ҳам, оилаларимизга ҳам барака инишидан далолатдир.

Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири



АДЛИЯ

Беминнат ҳуқуқий хизмат байрамга уланди

ХОРАЗМ вилоят адлия бошқармаси бу йилги оммавий сайилни бевосита она табиат қўйнида Хонқа тумани маданият ва истироҳат боғи саҳнида Адлия вазирлиги қошидаги Давлат хизматлари Агентлигининг вилоят бошқармаси ва бошқа қатор идоралар билан ўзаро ҳамкорликда уюштирди.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, давлат хизматларини намунали ташкил этиш, бу борадаги савий-ҳаракатларни байрамона руҳда амалга оширишга қаратилган тадбирлар эрта тонгданок бошланди. Президентимиз томонидан илгари сурилган “Беш ташаббус”нинг амалий намуналарини ўзида мужассамлаштирган кўргазмалар, китобхонлик маросими, болалар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқий билимлар юзасидан қизиқарли викторина савол-жавоблари, тест синовлари, адлия кубоги учун мини-футбол мусобақалари, бошқа беллашувлар, турли кўнгилочар тадбирлар сайлга келганларнинг кўнглини хушнуд этди.



Бухорода ўзгача тадбир бўлди

АҲОЛИГА бепул ҳуқуқий маслаҳатлар бериш мақсадида вилоятдаги барча давлат органлари ва ташкилотлари томонидан маслаҳат бурчаклари ташкил қилиниб, уларни қизиқтирган масалаларда ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Моддий ёрдам ва ижтимоий нафақалар олиш, кредит, микроқарз олиш, экспорт қилиш ва инвестиция киритиш, алимент ундириш, солиқ ва давлат хизматларидан фойдаланиш кабилар шулар жумласидандир.

Кенг қамров касб этган ушбу тадбирда аҳолининг, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий билимлари тест саволлари орқали синовдан ўтказилди. Бундан ташқари, “Заковат” интеллектуал ўйини ёшларнинг ҳуқуқий-маърифий билимларини синаш имконини берди.

САЙЧИЛЛАРИ

Юқори Чирчиқда адлия ва давлат хизматлари сайли

ТОШКЕНТ вилоят адлия бошқармаси ва Давлат хизматлари агентлиги бошқармаси томонидан Юқори Чирчиқ тумани Янгибозор қўрғонида “Адлия ва Давлат хизматлари сайли” ташкил этилди.

Сайлда туман адлия бўлими, прокуратура, давлат хизматлари маркази, ФХДЁ бўлими, нотариус, адвокатлар, “Истиқболли авлод”, “Юксалиш”, “Мадад” ННТ мутасаддилари томонидан “бепул ҳуқуқий маслаҳат” бурчаклари ташкил этилиб, аҳолига ҳуқуқий маълумотлар берилди ва тегишли хизматлар кўрсатилди. “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” киритилган фуқароларнинг масалалари ўрганилди.



“Ўзимиз келдик!”

НАВОИЙ шаҳридаги “Маърифат” боғида бўлиб ўтган ажойиб сайил адлия ва Давлат хизматлари агентлигининг вилоят бошқармалари томонидан ташкил этилди.

Тадбир кўнгил очар томошалар билан янада файзли ўтди. Иштирокчилар учун ҳуқуқий ва бадиий адабиётларнинг китоб ярмаркаси, ҳунармандларнинг қўл иши намуналари кўرғазмаси, турли концерт дастурлари ташкил этилди. Сайлда давлат хизматлари марказининг “Ўзимиз келдик” акцияси, “Давлат хизматлари ҳақида нима биласиз?” викторинаси, “Давлат хизматлари мен учун” расмлар танлови ҳам ўтказилиб, ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.



ИНСОН турмуш чорраҳаларида турли-туман манзараларга, турфа ҳолатларга дуч келади. Чунки ҳаётнинг биз қутмаган бекатлари, биз ўйламаган доволари кўп. Кўз ўнгимизда содир бўлаётган айрим воқеалар бефарқлигимиз натижаси, эътиборсизлигимиз оқибати эканлигини тан олгимиз келмайди. Бугунги мақоламиздаги мулоҳазаларимиз, аминимизки, сизнинг ҳам ҳаётингизда, шаҳрингизда, қишлоғингизда бугун бўлмаса, кеча ёки ундан сал аввалроқ содир бўлган. Чунки бу одатлар иллатга айлиб бораётганига кўпчилигимиз гувоҳимиз...

БОЛАЛАР ЭРТАСИ:

Куним ўтса бўлди, деган тарбиячининг кераги йўқ...



Ўтда ёнмас, сувда чўкмас боғча мудирлари яна қайда бор?...

Бундан икки йил аввал ҳазрат Навоий номи билан аталган шаҳардаги болалар боғчасига “Навоийхонлик” кечасига таклиф қилинди. Хурсанд бўлиб бордик. Буюк мутафаккирга эҳтиром ва болажонларнинг Навоийдан олган сабоқлари махсулини кўриб завқланамиз, деб борган масканимиздан гурурланиш эмас, афсусланмиш билан қайтдик. Уйлаганларимиз афсуски, тадбир давомида чиплакка чиқди. Мактабгача таълим муассасасида ишлаётган тарбиячиларнинг бирортаси Навоий ижоди ва асарлари ҳақида лом-лим деёлмади. Муассаса маънавиятининг бу ҳолатга берган изохси эса ҳаммасидан ошиб тушди: “Улар Навоий ижоди ҳақида гапирингиз бироз тортинаяпти, аниқроғи, уяляпти”, деган баҳона қанчалик қулғили ва аянчли эканлигини тасвирлашга сўз тополмадик. Бугун дунё Навоийни ўрганаётган, хоризжиклар бизнинг ўзбек тилимизда тиллари келиш-масамасам ҳам шоир ғазалларини ёд айтаётган, Навоий даҳосига таъзим қилаётган бир даврда бундай манзарага гувоҳ бўлганимиздан изза бўлдик. “Навоийхонлик” кечаси бор-йўғи икки оғиз гап ва магнит лентасидан қўйилган 2 та қўшиқ билан тугади.

Бу биргина мисол ҳолос. Боғча оналар ҳақидаги бошқа “эртаклар”ни ҳам кўп эшитгансиз. Бир вақтлар, аниқроғи, беш-олти йил аввал боғча мудириси болаларга бериладиган озик-овқатларнинг сифатлисини эмас, арзонини “келишиб” олиши, муддатга ўтиб кетган, истеъмолга яроқсиз озик-овқатларни болаларга берганлиги учун

судлангани, вазифасидан кетгани, аммо бир неча ойлари ўтиб, яна ҳеч нарса кўрмагандек, бошқа бир болалар боғчасига мудира “бўлиб олгани” ҳақидаги хабарлардан кўпчилик бохабар. Энг ачинарлиси, бундай тоифадаги “ўтда ёнмас, сувда чўкмас” мудиралар сони битта эмас... Улар яна қайда бор, фақат бизда бор!

Қалби ҳам, ўзи ҳам тоза-покиза, беғубор болажонлар тарбияланаётган табарруқ жойни исловатхонага айлантирган, иймонини сотган, инсофини ютган ювқисиз “боғча опа”лар ҳақидаги видео лавҳаларни кўрганда эса ҳар биримизнинг лабларимизга учуқ тошгани, қўлларимиз мушт бўлиб тугилгани, ор-номусдан силкинганимиз рост.

Тўғри, бу инсонларга қарши кураш олиб борилиб, кескин ҳулосалар қилинапти. Бугун юртимизда болаларни кўз қорачиқдек асрашга эътибор қучайтириляпти. Болаларга ибрат эмас, нафрат уйғотадиган ҳолатларга барҳам бериш чоралари кўриломоқда. Аммо тан олиш керак, тарбиячилар ҳамон тарбияга муҳтож!

Ахир, давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга ва халқимизга қилган Мурожаатномасида жорий йил Давлат дастурининг биринчи вазифаси қилиб айнан мактабгача таълим соҳасини ривожлантиришни тилга олиши бежиз эмас, албатта.

Юртбошимиз таъкидлаганидек: “2021 йил номида белгиланган соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қўйилган кенг қўламли ишларни амалга оширишимиз лозим.

Биринчидан, бола дунёга келганидан бошлаб, унда айнан мактабгача бўлган ёшда ақлий фаоллик ошадди, ахлоқий-эстетик ва жисмоний ҳислатлар шаклланади. Шу босқич ҳам келгуси йилларда мактабгача таълим

соҳасини ривожлантириш бора-бор стратегик максимиз — боғча ёшидаги ҳар бир болани ушбу таълим йўналиши билан тўлиқ қамраб олиш учун зарур шароитларни яратишдан иборат.

Келгуси йил якуни билан мактабгача таълим қамровини 65 фоизга, 2023 йил охирида 75 фоизга етказишимиз керак. Бу ишларга бюджетдан 600 миллиард сўм субсидия бериш ҳисобидан қўшимча равишда 2 мингта нодавлат боғча ташкил этилиб, хусусий сектор улуши 25 фоизга етказилади.

Шунигиндек, 2021 йилда мактабга тайёрлашнинг бепул тизими билан 560 минг нафар 6 ёшли болалар ёки уларнинг 82 фоизи қамраб олинади”.

Булар қозғола қилиб кетадиган вазифалар эмас. Бу чораларда, бу тадбирларда мамлакатнинг, миллатнинг юраги бор, келажаги бор. Бу муқаддас вазифага панжа орасидан қараш гуноҳ. Зеро, ёшлиқда олинган билим, тошга ўйилган нақш қабиридир, дейишди. Бола тарбияси учун давлатни бошқаришдан кўра ҳам теранроқ мушоҳада, ундан ҳам чуқурроқ донишмандлик керак, деб бежиз айтилмаган.

Шу ўринда яна бир мулоҳазамиз бор. Мактабгача таълим муассасаларида болаларни қабул қилиш ёши ҳақида айрим норозиликлар ҳам йўқ эмас. Бизда болалар 3 ёшга тўлган мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинади. Алломуларимиз эса тарбияни қанча эрта бошласак, шунча мақбул эканлиги ва самара бериши ҳақида уқтиришган. Боз устига ҳомилидорлик таътилига чиққан оналар орасида яхши шифокор — қўли гул жарроҳ, яхши ўқитувчи — кучли спорт мураббийси, яхши сиёсатчи бўлиши мумкин. Оралик муддатда улар қанча-қанча эгзу ишларидан узоқлашадди, ажралиб қолади. Қанча-қанча даволарда ва қанча-қанча зиёларда узилиш бўлиб қолишини тасаввур қилсангиз, мақсадимизни англайсиз. Лекин улар сеvimли ишини туғуруқ таътилидан сўнг давлатириши учун фарзандини ишончли қўлга топшириши керак. Боласидан кўнгли тўқ бўлмаган она қанчалик моҳир, қанчалик эпчил, қанчалик яхши мутахассис бўлмасин, у жамиятга, давлатга салохиятига яраша фойда келтира олмаслиги аниқ.

Тўғри, ҳозирги кунда хусусий болалар боғчалари сони ҳам кўпайди, улардан фойдаланиш мумкин. Аммо улар ўз номи билан хусусий. Хусусий секторда ҳаммиса хусусий, яъни

моддий манфаат юқори туришини ҳеч ким инкор эта олмайди. Бунинг устига тўловларнинг бирмунча қимматлиги ҳам хусусий мактабгача таълим муассасаларидан фойдаланишга ҳаммага ҳам изн, имкон беравермайди. Уларнинг барчасида ҳам давлат таълим стандартларига риоя қилинаётганимиз, деган саволни ҳам унутмаслигимиз керак.

Бошқалардан қеримиз кам?

Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш керак. Балким қўлаб соҳаларни хусусий секторга бериш ўзини оқлаётгандир. Аммо мактабгача тарбия таълимнинг хусусий секторга бериш учун бизнинг ўзимиз хали тарбияга, тажрибага муҳтож эканлигимизни инкор эта олмаймиз. Хўш, бу борада халқро тажриба қандай? Балким улардан ўрнатилган арзийдиган жиҳатлари бордир?

Масалан, Францияда мактабгача таълим бепул. Болалар гарчи уч ойлигидан яслиларга қабул қилинса ҳам, уларга икки ёшдан беш ёшгача болалар боғчасида таълим берилди.

Японияда болаларни боғчага қабул қилишнинг асосий шарты — ота ҳам, она ҳам ишлайдиган бўлиши шарт. Агар ишламасаңиз марҳамат қилиб болангизни уйингизда ўзингиз тарбияланг, деган ақида бор. Туғуруқ таътили бир йилдан ошмайди. Болалар боғчаларида болаларнинг билимини ошириш учун турли тоифадаги педагоглар шугулланади. Ота-оналар ҳам болалар муассасалари ҳаётига байрамларда, спорт мусобақаларида бутун оила иштирок этиши муҳим бўлган тадбирларга жалб қилинади.

Япониядаги болалар боғчасида бўлган оналардан бирини бу муассасада 12 нафар болага 6 нафар тарбиячи ва бир нафар мудиранинг парвоналиги хайратга солди. Ҳар бир бола меҳр ва эътибор оғушида. Ухлаётган икки ёшгача бўлган болаларнинг нафас олиши ҳар 15 дақиқда текшириб турилади, ким қорни билан ётган бўлса, тўғрилаб қўйилади. Кичкинтойларга бериладиган озик-овқат махсулотларини ҳам, уларга манзур бўладиган бутилка ва (соска)эмизакни ҳам муассасанинг ўзи сотиб олади ва аллергия кўзгатадиган махсулотлар берилмаслиги қаттиқ назорат қилинади. Бу ердаги бахтли болалик қуналири ҳар қандай кишининг ёшида умрбод сақланиб қолиши аниқ.

Хитойда эса оналарнинг ҳомилидорлик таътиллари бир нафасда ўтиб кетгандек бўлади. Уч ой кўз очиб юмгунча ўтиб кетгандан

сўнг болақайлар асосан бобо ва бувиларникида бўлишга мажбур. Болаларни боғчаларга уч ёшдан жойлаштириш мумкин. Мазкур мамлакатда мактабгача таълим муассасасида олган тарбия ўта муҳим ҳисобланади. Болақайнинг қайси боғчага бориши унинг қайси мактабга қатнаши, қайси олий ўқув юртига кириши ва қаерда ишлашини белгилаб беради. Бир сўз билан айтганда, болалар боғчаси унинг тақдирини белгилаб беради.

Душанба кун қўпчилик гуруҳларда кун давлат байроғини кўтариш ва давлат мадҳиясини ижро этишдан бошланади. Болалар боғчалари билан қўшни уйларида яшовчи аҳолининг бу тонгни ватанпарварликка кўникиши осон эмас. Бунинг учун уларнинг асаблари метиндан бўлиши керак.

Нидерландияда пул тўланадиган ҳомилидорлик таътили бор-йўғи 4 ойдан иборат. Унинг бир ойи бола туғилгунига қадар олинади. Шунинг учун кичкинтойларнинг акарият қисми уч ойлигиданок ҳафтада бир неча кун бўлса ҳам болалар боғчасига йўналтирилади.

Бу давлатда барча болалар боғчаси хусусий ва пуллик. Тўлов нархини муассасанинг ўзи белгилайди. Бир соатига 7 евродан арзони йўқ. Бу оила бюджетини учун қатта микдор ҳисобланади ва оғирлик қилади. Шунинг учун болалар боғчага 4 ёшгача қатнайтиб ҳолос. Тўрт ёшга тўлган кунгек биринчи сентябрни ҳам кутиб ўтирмадан бепул мактабгача бориши мумкин.

Жаҳон тажрибаси ҳам шунини кўрсатадики, болаларга боғча ёшиданок берилган тарбия ва таълим келажагига таъсир кўрсатади. Болаларга кунини кеч қилиш илҳижда юрган тарбиячиларга эмас, уларни юрагига меҳр билан бағрига оладиган, маҳоратли, ўз соҳасининг ҳақиқий билимдон бўлган тарбиячиларга муҳтожмиз. Фарзандлар камолни, миллат гурури, ифтихори учун балки боғча тарбиячиларини ҳам саралайдиган вақт келгандир?

Яна бир мулоҳазали савол: болаларни кичик эмас, 3 ёшдан сўнг боғчаларга қабул қилиш ўзини оқлайдими? Тарбияланувчиларнинг қандай ютуқлари, қанчалик салохиятга эга эканлиги, келажагдаги ўрни билан буни исботлаш мумкин? Бу борада мактабгача таълим тизимининг қандай таҳлиллари бор? Бу ҳақида бошқа бир мақолада фикрлашамиз...

Маруся ХОСИЛОВА,
“Инсон ва қонун” мухбири

ФУҚАРОЛАРНИНГ сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини, фикр, сўз ва виждон эркинлигини таъминлаш, бу борада минтақавий ва халқаро ҳужжатларнинг давлатлар қонунчилигига имплементация жараёнларини кенгайтириш, ушбу ҳуқуқнинг одил судлов асосида ҳимоясини сўзсиз амалга ошириш инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

ЙОХАННЕСБУРГ ПРИНЦИПЛАРИ

бу ҳақда нималарни биласиз?

Дарвоқе, сўз ва фикр эркинлиги инсоннинг табиий, шахсий ва ўз навбатида, универсал ҳуқуқи сифатида бир қатор халқаро ҳужжатларда умумэтироф этилганлиги ҳам бежизга эмас. Чунки ҳар бир давлатнинг дунёда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро рейтинглар ва индекслар қаторидан қай даражада ўрин олиши ҳам кўп жиҳатдан ана шу ҳуқуқнинг амалда қандай таъминланганлиги билан боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегияда Ўзбекистоннинг ушбу йўналиш (қонун устуворлиги, норма ижодкорлиги сифати, ҳуқуқ фаолияти самардорлиги, сўз ва ахборот эркинлиги, жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш, бизнесни олиб бориш шароитлари, глобал рақобатбардошлик, инновацион ривожланиш ва бошқалар) бўйича дунёдаги 50 та етакчи мамлакатлар қаторига киришини таъминлаш мақсади қўйилган.

Бугунги кунда сўз ва фикр билдириш эркинлиги ҳуқуқи бир қатор халқаро ва минтақа доирасида қабул қилинган халқаро ҳужжатларда қайд этилган. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро Пакта мувофиқ ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга.

БМТ ташаббуси билан дастлаб 1995 йил 1 октябрда Жанубий Африканинг Йоханнесбург шаҳрида қабул қилинган "Миллий ҳафсизлик, сўз эркинлиги ва маълумот олиш тамойиллари тўғрисида"ги ҳамда унинг давоми сифатида 2002 йил 19 августдаги жаҳон судьяларининг халқаро конференцияда қабул қилинган "Ҳуқуқнинг устуворлиги ва барқарор ривожланишни кўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Йоханнесбург принциплари ҳам инсон ҳуқуқларининг

универсаллиги ва устуворлигини алоҳида эътироф этади.

Қайд этиш кераки, Йоханнесбург принциплари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ халқаро ва минтақавий қоидаларга асосланиб, ҳужжат тузилиш жиҳатдан муқаддима, 4 та боб ҳамда 10 та устувор принципдан иборат.

Муқаддимада фуқароларнинг фундаментал ҳуқуқларидан бири сифатида сўз эркинлиги ва ахборот олиш эркинлигини таъминлаш демократик жамият барпо этиш сари бораётган ҳар қайси давлат учун ҳаётий ва жиддий масала эканлиги, жамиятда сўз эркинлиги ҳуқуқини таъминламасдан туриб пировардида сиёсий-ҳуқуқий барқарор тараққиёт ва фаровонликка эришиб бўлинмаслиги белгиланган. Шунингдек, ҳужжатда баён этилишича, сўз эркинлиги ва ахборот эркинлиги учун қонуний имконият яратиш айна пайтда фуқароларнинг бошқа ҳуқуқларини амалга оширишда ҳам зарур, муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ҳеч ким фикр билдирганлиги сабабли камситилиши ёки таъқиб остига олиниши мумкин эмас.

Йоханнесбург принципларига кўра, ҳар бир инсон ҳеч бир тўсиқсиз ўз фикрига собит бўлиш, фикрини эркин баён этиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу ҳуқуқ давлат чегараларидан мустақил ҳолда ёзма равишда ёки матбуот воситасида ёхуд ифодаланишнинг бадий шакллари ёки ўз ихтиёрига кўра бошқача усулларда турли ахборот ва гоёларни кидириш, олиш ва тарқатиш эркинлигини қамраб олади. Аммо бу ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳар бир инсонга алоҳида мажбурият ва масъулият юклаши назарда тутилган бўлиб, маълум чеклашларни ҳам кўзда тутиш, яъни фақат бу ҳуқуқни амалга ошириш бошқа шахсларнинг

ҳуқуқлари ва обрў-эътиборига, давлат суверенитетига, жамоат тартибига, аҳоли саломатлигига ҳамда жамият ахлоқ-одоб қоидаларига дахл қилмаслиги керак.

Бундан ташқари, Йоханнесбург принципларининг биз ҳуқуқшунослар, судьялар эътиборини тортадиган муҳим жиҳати ва қоидаларидан бири шундаки, ушбу ҳужжатда таъкидланишича, "миллий, минтақавий ёки универсал даражада одил судловни олиб борувчилар халқаро ва миллий ҳуқуқнинг ўзаро мослигини, имплементациясини ҳамда ижро этилишини таъминлашда ҳал қилувчи ўринда туради. Судьялар миллий ҳуқуқ доирасида халқаро шартномаларни тўғридан-тўғри қўллашга ўтишлари лозим".

Умуман олганда, гарчи, биз сўз юритган Йоханнесбург принциплари юридик мақомига кўра тавсиявий характерга эга ҳужжат бўлса-да, унда эътироф этилган инсоннинг табиий ҳуқуқларига оид устувор гоё ва қоидалар бугунги кунда умумэтироф этилган норма сифатида универсал ва минтақавий ҳужжатлар, давлатлар конституцияси ва қонунларида ўз ифодасини толган.

Энг муҳими, Йоханнесбург принципларида илгари сурилган инсон ва фуқароларнинг фикр билдириш ва сўз эркинлиги ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган илгор нормаларни ҳар қадамда таъминлаш айна пайтда ҳар бир мамлакат томонидан олиб борилаётган демократик ўзгаришларнинг асосий йўналишларидан бири сифатида ҳам ҳали-ҳануз ўзининг аҳамияти ва жиддийлигини сақлаб қолаётганлиги ҳам бор гап.

Хусан ТУРСУНОВ,
Қарши туманлараро иқтисодий суди судьяси, юридик фанлар номзоди

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР ЁДИ ҲАМИША ЮРАКДА



АДАБИЁТ ҳар бир халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажagini боғловчи таъсир кучига эга муҳим воситадир. Унда ҳар битта миллатнинг маданияти, урф-ода, дунёқароши, маънавияти акс этади. Демак, адабиёт яшаса миллат яшайди, унинг шаъни улугланади, қадриятлари қадр топади.

Шу боис мамлакатимизда адабиёт ва санъатга алоҳида ҳурмат билан ёндашилади. Уни ривожлантириш йўлида ислохотлар тизимли равишда олиб борилмоқда. Бундан 3 йил олдин ана шундай мақсадларга хизмат қилувчи яна бир йирик лойиҳага қўл урилган эди. Давлатимиз раҳбарининг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Адилбар хиёбонини ташкил этиш бўйича Қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, хиёбоннинг меъморий-ғоявий лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мажмуавий тарзда олиб борилган бунёдкорлик ишлари натижасида пойтахтимиз марказидаги Адилбар хиёбонининг яхлит меъморий ансамбли яратилди. Бу тарихий воқеалик адабиётимизни яна бир поғона юксакка кўтариши билан аҳамиятлидир.

Президентимиз мазкур масканнинг очилиш маросимида Адилбар хиёбонини адабиёт, маърифат ва маданият масканига айлантириш зарур эканини таъкидлади. Ҳар бир адиб ҳайкалини муайян олий ўқув юртига бириктириб, бу ерда очик дарслар, маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича тавсиялар берилди.

Шу муносабат билан бизнинг университетимизга Гафур Ғулумнинг ҳаёти ва ижодини, меросини ўрганиш ва кенг миқёсда тарғиб этиш вазифаси юкланди. Бугунги кунда биз ёш ҳуқуқшунослар адибимиз ҳаёти ва ижодини, унинг асарлари, қиссалари, ҳикоялари, шеърларини чуқурроқ ўрганишга киришдик. Ёзувчи асарлари, ҳикоялари, ростгўйлик ва инсонпарварлик ҳисларига таянган ҳолда ёзилган.

Айна пайтда университетимизда Гафур Ғулум асарларини янада чуқур ва пухта ўрганишимиз учун шарт-шароитлар яратилган.

Гафур Ғулумнинг "Сен етим эмассан" шеърни жуда ҳам таъсирли қиқан. Ва бу шеърни ёд олмаган, ўқимаган одам топилмас керак. Ушбу шеърда шоирнинг ўз бошидан кечирган етимлик йилларининг дахшатли манзаралари лирик чекинчи орқали очиб берилган. Шоир ўз хотираларини изчил кучайиб борувчи поэтик пафос билан шеърхонларга етказишга, уни ўзининг дардли хотиралари билан ошно этишга муваффақ бўлган.

Нилуфар ҚАРШИЕВА,
Тошкент давлат юридик университети талабаси

ЭЪЛОНЛАР

Янгиёул туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус А.Таджибаеванинг хусусий нотариал фаолият билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги ариза-сига асосан Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 15.03.2021 йлдаги 9-Н-ум-сон буйруғига асосан Таджибаева Алма Абдурақиповнага Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 22.04.2020 йилда хусусий нотариал фаолият билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи TS 0069-сонли лицензиянинг амал қилиши ва нотариуслик мақоми тугатилди.

"Нотариат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддаси ҳамда Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси хузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил 15 мартдаги 4-сон йиғилиш қарорига асосан Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 15 мартдаги 96-ум-сон буйруғига асосан жорий йилнинг 15 март куниндан 15 сентябрь кунига қадар Чирочқи туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус А.Шоймардонова (лицензия KS 0015, 24.04.2020 й.) берилган хусусий нотариал фаолият билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши 6 ой муддатга тўхтатилди.

Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси хузуридаги малака комиссиясининг 2020 йил 18 декабрдаги 15-сонли қарори ва Бухоро туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 18 февралдаги ҳал қилув қарорига асосан Бухоро вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 19 мартдаги буйруғига асосан "Jasmina Adolati" адвокатлик бюроси адвокати Худойқулов Жамол Юлдашевнинг (лицензия 25.12.2018, ВН №000079,

адвокатлик гувоҳномаси №079, 25.12.2018 й.) адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ҳамда адвокатлик мақоми 2 ой муддатга тўхтатилди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2020 йил 23 сентябрда давлат рўйхатидан ўтказилган "ISHONCHLI XIMOYA AZIZ" адвокатлик бюроси ихтиёрий тартибда тугатилмоқда. Даво ва эътирозларни мавжуд бўлган жимийнинг ва юридик шахслар Тошкент шаҳри, Серғели тумани, Йулдош 8-маъзе, 62-уй, 4-хонадон манзилига ёки Тошкент шаҳар адлия бошқармасига ўз талаблари билан мурожаат этишлари мумкин.

Инсон ва ҚОНУН

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

"Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази нашри

info@adolatmarkaz.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган

ISSN 2010-7897

4720310754008

Бош
муҳаррир

Кўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Акбар Жўрабоевич
Рабиёв Шерзод Миржалполович
Тожиёв Фуқрат Шомуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган
қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.

Навбатчи
Маруза Ҳосилова
Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табақ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уюнда чоп этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 4360
Буюртма — V-4620

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 22:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5

МАЪЛУМКИ, банк тизими мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан биридир. Негаки, оддий фуқаро бўладими ёки бирор хўжалик юритувчи субъектми, ўзи учун нақд пул, кредит, субсидия олишда ёхуд иккинчи бир тараф билан олди-берди қилишда банк хизмати-га таянади. Бинобарин, республикамызда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарадиган турли молия муассасалари фаолият юритади. Мақсад эса битта — мижозларга намунали хизмат кўрсатиш ва шу орқали мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшиш.



САМАРҚАНД БАНКЛАРИДА

мижозларга намунали хизмат кўрсатилмоқда

Шу маънода айтганда, Самарқанд вилоятида ҳам “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойили тўлақонли равишда ўз ифодасини топмоқда. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг вилоят бош бошқармаси бошлиги Отабек Тўхтаев бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Бундан чамаси уч-тўрт йил аввал хонамга вилоятимизнинг узок бир туманида яшовчи фуқаро кириб келди. “Мен тадбиркорлик билан шуғулланмоқчиман. Лекин юрагим дов бермаяпти. Банкдан кредит олсам қуйиб қолмайманми? Кишлоғимиздаги кўп кишилар кредит олиб ишлаяпти. Ҳаммасининг димоғи чоғ, рўзғори бут, оиласи билан ишла. Нима маслаҳат берасиз?”, деб қолди. Мен эса банк раҳбари сифатида мижозга қайси турдаги тадбиркорлик билан шуғулланишидан қатъи назар, сидқидилдан ишласа, ҳам кредитини ёпиши, ҳам фойда олишини тушунтирдим. Сўнгра тегишли низоом талаблари билан таништирдим. Яқинда хизмат юзасидан ўша туманга борганимда ҳалиги мижоз билан тўсатдан учрашиб қолдим. Эсимга тушиб, ишлари ҳақида сўрадим. Димоғи чоғ, ҳаётдан мамнун.

Албатта, мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ривожланишида банкларнинг ўрни бекиёс. Эеро, Президентимизнинг банк тизimini ислох қилиш, банк хизматлари оммабўлиги ва сифатини янада ошириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратаётган юксак эътибори тўғрисида банклар мижознинг чинакам таянчига айланиб улгурди.

Айни пайтда Самарқанд вилоятида 18 та банкнинг 73 та филиали, шунингдек, Самарқанд шаҳрида Туркиянинг Зираат банки, Қозоғистоннинг “Тенге банк”и каби йирик банклар фаолият кўрсатмоқда. Қолаверса, жорий йилда 3 та банк хизматлари маркази ташкил этилиб, уларнинг сони 87 тага етди. Вилоятимиз бўйича 29 та мини банклар, 67 та банк инфра тузилмалари (коммунал касса, махсус касса, сайёр касса) мижозларга намунали хизмат кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, вилоятда 3 та нобанк хизматлари ҳам жорий этилган. Шу билан бирга, валюта айирбошлаш шохобчаларининг сони 125 тага етди. Йилнинг ўтган 3 ойда 37,9 миллион АҚШ доллари эквивален-

тида сотув, 111,8 миллион АҚШ доллари эквиваленцида харид амалиётлари бажарилди. Агар 2020 йил билан таққосласак, сотув ҳажми 123 фоизга, харид эса 120 фоизга ошган.

Шуни айтиш керакки, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш шохобчаси мавжуд бўлиб, шундан 84 таси 100 АҚШ долларигача бўлган миқдорда харид операциясини амалга оширмоқда. Мазкур шохобчалар орқали шу кунгача 659,4 минг АҚШ доллари сотилган ҳамда 790,8 минг АҚШ доллар харид қилинган. Бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан доллар сотуви 13 баробарга, харид ҳажми 150 фоизга ошганидан далолат беради. Халқаро пул ўтказмалари шохобчалари бўлса, вилоятимизда 148 тани ташкил қилиб, улар орқали кўрсатилган хизматлар ҳажми 226,9 миллион АҚШ долларидан иборат бўлди. Бу кўрсаткич ҳам 2020 йилнинг дастлабки чорагига нисбатан 137 фоизга ошганини кўрсатмоқда.

Модомики, гап банк хизматлари ҳақида кетар экан, бунда банклар орқали кўрсатилган хизматларга тўхталмаслик мумкин эмас. Бугунги кунда Самарқанд вилоятида 243

та “UZCARD”, 370 та “HUMO” тизимидаги банклар ишлаб турибди. Шундан 11 таси жорий йилда ўрнатилди. Йил якунига қадар яна 25 та банклар ўрнатишни режалаштирганмиз. Агар рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, январь-март ойларида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 55 фоизга кўп — 1 триллион 272 миллиард сўм маблағ чиқим қилинган.

Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш борасида эса 1 триллион 102 миллиард сўм миқдорига кредит маблағи ажратилди. “Хар бир оила тадбиркор” дастури доирасида 4816 та ташаббускор юртдошларимиз 120 миллиард сўм, 1199 нафар аёллар 21,9 миллиард сўм имтиёзли кредит маблағига эга бўлишди.

Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида йўналтирилган кредитлар миқдори “Хар бир оила тадбиркор” дастури доирасида ажратилган маблағнинг 44 фоизини ташкил қилади.

Яна бир гап. Ҳозир вилоят банклари масъуллари “Маҳаллабай” ишлаш орқали ҳам ўз мижозлари сафини кенгайтирмоқда. Жумладан, вилоятдаги 1100 та маҳаллага 774 нафар

банк ходими бириктирилган. Улар “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” рўйхатидаги 20,400 нафардан ортик аҳолининг яшаш шароити ҳамда эҳтиёжларини ўрганиб чиқишди. Натижада 4221 кишига 71 миллиард сўм кредит ажратилди. Шунингдек, маҳаллаларда умумий қиймати 141 миллиард сўм бўлган 677 та лойиҳа молиялаштирилди. Мазкур лойиҳаларнинг 55 миллиард сўми мижозларнинг ўз маблағи эвазига, 86 миллиард сўмлик қисми банк кредитлари ҳисобига молиялаштирилди. Биргина мисол, Каттақўрғон туманидаги “Омонбой ҳосил” фермер хўжалиги раҳбари Олим Шукуров банк кўмағига таяниб, 500 бошга мўлжалланган чорва комплексини қурди. Қолаверса, хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорликда ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришга мўлжалланган мини завод қуришга киришган.

Албатта, О.Шукуров сингари юзлаб тадбиркорлар фидокорона меҳнати тўғрисида халқимиз фаровонлигини оширишга салмоқли улуш қўшмоқда.

Сўхбатни “Инсон ва қонун”
муҳбири Азим ҚОДИРОВ
ёзиб олди.